



Халқ сўзи

Ўзбекистон -
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 11 декабрь, № 238 (5153)

Шанба

ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 декабрь куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси ва МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.



Кремлда дастлаб ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси бўлди. Унда мазкур ташкилотга аъзо мамлакатлар Президентлари қатнашди.

Музокарада ОДКБ доирасида хавфсизликни мустақамлаш, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби таҳдидларни

бартараф этиш, коллектив хавфсизлик тизимини шакллантириш борасида ҳамкорликни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар жорий йилнинг июнь ойида Қирғизистон жанубида юз берган воқеалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар ОДКБ дав-

латларига умумий таҳдидларнинг тезкорлик билан олдини олишни назарда тутадиган ҳужжатларни кўриб чиқдилар. Сессияда хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа фавулодда вазиятларда ОДКБнинг саъй-ҳаракатлари қандай бўлиши зарурлиги муҳокама қилинди. Турли таҳдидлар оқибатида келиб чиқадиган хавф-хатарларни бартараф

этиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Мамлакатимиз раҳбари ОДКБнинг энг муҳим вазифаси — аъзо давлатларни, аввало, ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишдан иборат эканини таъкидлади. Мамлакатлар ичидаги зўравонлик хатти-ҳаракатларига ҳеч қандай аралашувга йўл қўйиб бўлмайди. Бизнинг қатъий позициямиз шундан иборат, деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов.

Мамлакат ичидаги зўравонлик хатти-ҳаракатлари турли сценарийлар бўйича, ташқи кучларнинг бевосита аралашуви ва молиялаштируви орқали юзага келиши мумкин. Шу боис улар юзасидан бирор қарор қабул қилишдан аввал бундай хатти-ҳаракатларнинг ташқилотчиларини аниқлаб олиш зарур. Жорий йил 10-14 июнь кунлари Қирғизистон жанубида рўй берган воқеалар барчамиз учун сабоқ бўлиши керак. Чунки ўша фожиали кунларда юз мингдан зиёд қочқинларни бошлана, дори-дармон, озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар билан таъминлаш керак бўлди. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг аҳоли зич яшайдиган, кўп миллиятли минтақаси — Фарғона водийси хавфсизлигини таъминлаш, чегарадаги вазиятни қатъий назорат қилиш зарур бўлди. Акс ҳолда, янада катта кўламдаги хунрезликлар рўй берган бўлур эди.

МДХ минтақасидаги давлатлар тарихидан ҳам бундай можароларга етарлича мисол келтириш мумкин. Озарбойжон ва Арманистон ўтган йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида Қорабоғ муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича келиша олмаётгани ҳам шундан далолатдир.

ОДКБ муҳим минтақавий ташкилот сифатида фавулодда вазият юзасидан бирор бир чора-тадбир қўллашдан аввал муаммонинг сабабларини, эҳтимолдаги ташкилотчиларини аниқлаш, бундай ҳаракатларнинг оқибатларини олдиндан кўра билиши ва тўғри хулосалар чиқариши зарур, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Сессияда ОДКБ фаолиятига доир ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида МДХга аъзо мамлакатлар Президентлари иштирок этди. Томонлар МДХни ривожлантириш, унинг органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид масалаларни кўриб чиқдилар.

Мажлисида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ.
Тошкент — Москва — Тошкент
Сарвар ҲУМОНОВ
олган сурат.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган устувор йўналишларнинг хорижий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий, эксперт ҳамда ишбилармон доиралари вакиллари орасида кенг муҳокамаси давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСЛАРИ МАМЛАКАТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧНИ БОШЛАБ БERAДИ

Яқинда Деҳлидаги Химолай ва Марказий Осиё тадқиқотлар марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Хиндистоннинг етакчи илмий ва эксперт-таҳлилий марказларининг таниқли олим ҳамда тадқиқотчилари, мамлакат пойтахтининг ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва маданий-гуманитар доиралари вакиллари қатнашди.

Давра суҳбатида иштирокчиларга Президент Ислом Каримовнинг маърузаси, хусусан, сиёсий партиялар ва парламентнинг мамлакат ҳаётидаги ролини ошириш, суд-ҳуқуқ ва сайлов тизимидаги ислохотларни давом эттириш, иқтисодий эркинлаштириш, оммавий ахборот воситалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Президент Ислом Каримовнинг ташаббуслари "Уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши демократик ва иқтисодий ислохотлар соҳасида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги пешқадамлик ролини мустақамлашди", дея ҳисобловчи халқаро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотаётгани қайд этилди.

Тадбир қатнашчилари бу борадаги ўз мулоҳазалари билан уртоқлашдилар.

Хусусан, **Химолай ва Марказий Осиё тадқиқотлар маркази бош қотиби К. Ворику** Президент Ислом Каримовнинг маърузаси Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларини ўз ичига олганини таъкидлади.

"Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ва қонунчилик тизими, давлат бошқаруви органлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг самарали фаолиятини таъминловчи мустақам механизм яратилди. Шунингдек, иқтисодий эркинлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, чет эл сармоясини жалб этиш мақсадида муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда", деди хиндистонлик эксперт.

Шу билан бирга, К. Ворикунинг фикрича, маърузада илгари сурилган тақлифларга таяниб айтиш мумкин, Ўзбекистон Президенти эришилган ютуқлар билан қифояланиб қолмас-

дан, демократиянинг энг юқори андозалари ва талабларига жавоб беришга қодир бўлган тизимни яратишда давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузасининг устувор жиҳатларига тўхталаркан, К. Ворику Бош вазир номзодининг парламентда энг кўп ўрин эгаллаган партия томонидан илгари сурилиши, шунингдек, Бош вазир номзоди парламент томонидан тасдиқланиши имконияти ва зарур бўлганда, унга нисбатан ишончлиқ билдиришига доир тақлифга алоҳида эътибор қаратди.

"Президент Ислом Каримов андан бунён парламент ҳамда сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини мустақамлаш тарафдори бўлиб келмоқда. Президент ташаббуси рўйга чиқса, мамлакатда сиёсий партияларнинг мавқеи, уларнинг ўз сайловчилари олдидаги масъулияти янада ортади. Мазкур янги тартиб-қоидалар давлат бошқарув тизими, шунингдек, маърузада тилга олинган ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда яна бир муҳим қадам бўлади", деди у, жумладан.

Хиндистон Халқаро масалалар кенгаши эксперти Н. Кунду Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуслари мамлакатни ислоҳ қилишнинг янги бошқичини бошлаб беражакини қайд этди.

"Ўзбекистон мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизimini бошқичма-бошқич эркинлаштиришга эришди. Мамлакатда сўнгги ўн йил мобайнида маъбуслар сониники бараварга қамайгани, "Хабас корпус" институти жорий қилингани ва у самарали фаолият юритаётгани ҳақидаги далиллар шундан дарак беради. Ушбу эришилган амалга оширишда ўлим жазосининг бекор қилиниши мамлакатда чинакам инсонпарвар суд-ҳуқуқ тизимини яратиш бўйича улкан аҳамиятга молик тадбирлар амалга оширилаётганининг ҳаётий тасдиғидир", деди у.

Экспертнинг фикрича, Президент Ислом Каримов томонидан тақлиф этилган суд тизимининг фуқаро ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи орган сифатидаги ролини мустақамлашга доир устувор вазифалар рўйида Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимини мустабид иттифок тизими меросидан, яъни ўтмишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоячиси эмас, балки жиноий ҳалос қилиш имконини берувчи яна бир муҳим қадам бўлади.

(Давоми 2-бетда).

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ривож таянч куч сифатида иқтисодий тизимиз равнақиға хизмат қилади

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йилгилишдаги маърузасида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва кўрсатмалар, очиги, биз, тадбиркорлар учун тараққиётнинг янги бошқичини бошлаб берди.

Гап шундаки, ушбу дастуриламал маърузада, аввало, "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ислохотларнинг натижалари, бу борада эришилган ютуқлар, шаҳдам қўйилган қадамлар аниқ далиллар асосида атрофлича таҳлил қилиб берилдики, буларнинг бари ҳар биримизнинг қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди. Қолаверса, Юртбошимиз 2011 йилни мамлакатимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилишни тақлиф этганларини миллионлаб ватандошларимизнинг дилидаги гап бўлди, дейсам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Бу дегани — республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга доир кенг қўламли ва кенг миқёсда Давлат дастури ишлаб чиқилиб, барча куч-имкониятлар ана шу дастур ижросига қаратилади. Натижада тадбиркорлик соҳаси тобора юксалиб, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни янада мустақамлашганига пойдевор яратди.

Албатта, булар шунчаки ҳавойи гап бўлмай, унинг тағ-заминли асоси бор. Иสบоти? Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб тадбиркорлик соҳасига алоҳида эътибор қаратилгани, уни ривожлантиришга зарур шарт-шароитлар яратилиб,

кенг имкониятлар эшиги очиб берилгани ўз самарасини намойён этаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бугун айнан шу соҳа вакиллари ички бозорни рақобатбардор маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолини иш билан таъминлаш, юрт фаровонлигини оширишда ўзига хос ўринга эгаллиги бунинг ёрқин исботи эмасми?

Узимдан қиёс: ўтган даврда тадбиркор сифатида муайян ютуқларга эришган эканман, албатта, бу давлатимиз раҳбарининг беқиёс эътибори туйғуландир. Мана, масалан, 1996 йилда корхонамизни ташкил этиб, 3 киши билан иш бошлаган бўлсак, ҳозир жамоамизда 27 на-

фар киши меҳнат қилаяпти. Улар кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган 17 турдан ортиқ маҳсулотларни ишлаб чиқармоқдалар. Қувонарлиси, жорий йилнинг ўтган даврида 130 миллион сўмлик дала ва бог неъматлари савдо шохобчаларига етказиб берилди. Бунинг эвазига олинган фойданинг 3 миллион сўми хомийлик ишларига сарфланди.

Айни кунларда цехларимиз модернизация қилиниб, 200 миллион сўмлик замонавий хориж технологияси билан жиҳозланмоқда. Бу, ўз навбатида, тез кунларда сифатли бугдой уни тайёрлаш, ундан нон ва нон маҳсулотлари, макарон ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини беради. Мухими, 10 та иш ўрни ташкил этилади.

Дарҳақиқат, Президентимиз томонидан кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантиришга кенг йўл очилиб, янги имкониятлар ва имтиёзлар берилмаётган экан, бундай юксак ишончни оқлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Жобберган ОТАЖОНОВ,
Янгибозор туманидаги "Ёғду" хусусий корхонаси раҳбари,
"Шуҳрат" медали соҳиб.

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан давра суҳбати ўтказилди.

Инсон ҳуқуқлари куни ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 62 йиллигига бағишланган мазкур тадбирда Президентимиз томонидан парламент палаталарининг шу йил 12 ноябрь кунини бўлиб ўтган кўшма мажлисида эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" асосида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда эътироф этилганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда олиб

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

фуқаролик жамияти институтларининг бош мақсадидир

Борилган кенг қўламли ислохотларнинг бош мақсади, аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъмин-

лаш, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқларини тўла-тўқис рўйга чиқаришга қаратилди. Чунки, давлатимиз раҳбари томонидан парламент палаталари кўшма мажлисида илгари сурилган қонунчи-

лик ташаббуслари замирида ҳам айнан шу мақсад муҳассам. Зотан, улар давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламент фаолиятини янада ривожлантириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизimini, фуқаролик жамияти институтларини, шунингдек, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштиришга қаратилгандир.

(Давоми 2-бетда).

БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида юртимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ҳимоялаш, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат таш-

килотларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Республика Байналминал маданият марказида «Ешларни миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш — фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили» мавзусида ўтган илмий-амалий анжуманда шулар ҳақида сўз борди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ
ШАРҲИ

ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

2010 йилнинг тўққиз ойида озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга технологик ускуналар, хом ашё ҳамда материаллар харид қилиш учун 775,8 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Тижорат банклари томонидан берилган ана шу маблаг ҳисобига корхоналарда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошди, янги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСЛАРИ МАМЛАКАТНИ ИСЛОҚ ҚИЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧНИ БОШЛАБ БERAДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Хиндистоннинг таниқли "www.sarkaritel.com" ахборот-таъхиллий веб-портали бош муҳаррири, Ўзбекистонга кўп бора сафар уюширган А. Сатаенинг эътирофига, у кўпга ўзбек ҳам-касблари билан ўтказган суҳбатларидан шундай хулосага келадикки, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари жамият ҳаётида энг муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари нафақат республика ва дунёда содир бўлаётган воқеалар ҳақида ахборот тарқатади, балки мустақиллик йилларида кўлга киритилган ютуқлар ҳамда мамлакат олдида турган муаммоларни ҳам кенг ёритиб боради. "Ўзбекистонда журналистларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва маданий-гуманитар ҳаётида етакчи ўрин тутишини қўриб, табиийки, бугунги демократик давлатда шундай бўлиши кераклиги амин бўлдим", деди у.

Президент Ислон Каримовнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш, телерадиозатти тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, оммавий ахборот воситалари иқтисодий фаолияти барқарорлигини таъминлашга доир ташаббуслари ҳақида фикр юритаркан, ҳиндистонлик эксперт ушбу ташаббусларнинг жуда муҳим ва долзарб эканини қайд этди. У Ўзбекистон Президентининг "Оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва гояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш лозим", деган сўзларини қўллаб-қувватлади. "Президент Ислон Каримов айни пайтда улкан натижаларга эришган Ўзбекистон сайлов тизимини такомиллаштириши давом эттиришини илгари сурди, — деди Дехли университетининг профессори Н. Руми. — Утган йиллар давомида мамлакатда сайловлар жараёнида эркинлик ва тенгликнинг чинакам кафи-

лига айланган Марказий сайлов комиссиясининг роли анча мустаҳкамланди".

— Ўзбекистон депутатликка кўрсатилган хотин-қиз номзодлар учун 30 фоизлик квота берилган, шунингдек, Экологик ҳаракат депутатлари учун парламентда қонунчилик миқёсида маълум миқдорда жой ажратилган санокли мамлакатлардан биридри, — дея алоҳида таъкидлади профессор Н. Руми.

Унинг сўзларига қўра, эришилган барча ютуқларга қарамастан, Президент Ислон Каримов сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш, хусусан, сайлов кампанияси давомида барча номзодлар учун тенг имкониятлар берилишини таъминлаш тарафдоридир.

Ж. Неру номидаги университет профессори П. Бадан иқтисодий жиҳатдан Марказий Осиёнинг кудратли мамлакатларидан бири бўлган Ўзбекистон ўз иқтисодиётини эркинлаштириш ва диверсификациялаш, чет эл сармояларини жалб қилиш, саноат ва ишлаб чиқаришда янги соҳаларни ўзлаштириш борасида тизимли чора-тадбирларни амалга ошираётганини таъкидлади.

Профессорнинг фикрича, Ўзбекистонда нафақат тадбиркорлар ва хорижий сармоядорларнинг ҳуқуқ-мафлаатларини самарали ҳимоя қилдирган, балки чиндан ҳам улара-қ қўлай имтиёзлар берувчи мукам-мал қонунчилик базаси яратилган. "Ўзбекистон Президентини ўз маърузасида айтиб ўтган, мазкур соҳада қабул қилинган 400 дан зиёд қонун-лар айнан мана шу мақсадларга хизмат қилади", деди у, жумладан.

П. Бадан "Президент Ислон Каримов томонидан баён этилган хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги тақийлий-ҳуқуқий шакли сифатида оливалй бизнесни қонуний белги-лаш борасидаги ташаббуслар ўта долзарбдир", дея таърифлади. Хинд профессорини янги ташаббуслар иқтисодий ислохотлар жараёни,

мазкур соҳада эришилган натижаларни инобатга олган ҳолда, аниқ бошқаришга қаратилганига ишончи қонил эканини қайд этди.

Ўзбекистоннинг ички сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи ушбу Концепция Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонасида ўтказилган брифингда ҳам кенг муҳокама қилинди. Унда Мисрнинг ижтимоий-сиёсий, тахилчи ва ишбилармон доиралари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, шунингдек, Қоҳира университетиде тахил олаётган ўзбекистонлик талаба ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлисидаги маърузасининг муҳим жиҳатлари тўғрисида ахборот берилди.

Брифинг қатнашчилари мамлакатини раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар хусусида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқ-лашдилар.

Хусусан, "Асия аль-Вуста" ин-тернет наشري бош муҳаррири ўринбосари А. Фарук ўз чиқиши-да мустақиллик йилларида мамла-катимиз Президентини томонидан иш-лаб чиқилган, Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг муҳим омили бўлган беш тамойилга эътибор қаратди. Хатто жамон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида ҳам кўлга киритилган улкан иқтисодий ривожланиш натижалари Президент Ислон Каримов томонидан олиб борилган сиёсатнинг тўри эканини кўрсатади. Мисрлик экспертнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан сўнгги уч йил мобайнида ялли ички махсу-лотнинг изчил ўсиб бораётганини тасдиқловчи кўрсаткичларнинг кел-тириб ўтилгани мамлакат иқтисодий-деътининг барқарорлигидан яққол далолатдир. "Мазкур иқтисодий барқарорлик эса хорижий сармоя-дорларни Ўзбекистон Республикаси-га инвестиция қилишга ундов-чи жозибадор куч экани, шубҳасиз", деди у, жумладан.

А. Фарукнинг таъкидлашича, Ўзбекистон раҳбарининг давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга қаратилган тақийлари давлат ҳокимиятининг уч субъекти ўртасидаги ваколатларни янада мувозанатлаштирилган ҳолда тақийлашга ёрдам беради. Президент Ислон Каримов томони-дан тақий этилаётган конституция-вий ўзгаришлар мамлакат раҳба-рийатининг ислохотлар ва жамият ҳаётини босқичма-босқич демократ-лаштириш тарафдори эканини англатиб, ўтиш даврига хос турли ижтимоий бўҳронларнинг олдини олиш имконини яратади.

Унинг фикрича, "Ўзбекистонда айни пайтда суд ҳокимиятини изчил мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини инсончи ҳимоя қилишга қодир бўлган суд органла-ри мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда".

Ўзбекистон Президентининг ахборот соҳасидаги ислохотларга доир сўзларини шарҳлар экан, А. Фарук мамлакатимиз раҳбарининг сўз ва ахборот эркинлиги учун реал имкониятлар яратиш кераклиги ҳақидаги давлатнинг юқори баҳолади. Мисрлик журналистнинг таъкидлашича, барча демократик давлатда бўлгани каби, Ўзбекистон-да ҳам эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари ўзини фуқаро-лик жамиятининг муҳим институти сифатида намоён этмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистон томони-дан ахборот соҳасида олиб борилётган давлат сиёсати жамият-нинг сўз ва ахборот эркинлиги ҳақи-да журналистларнинг муносиб ўрни-ни таъминлашга, улар фаолиятининг ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофазаси-ни қаролатишга йўналтирилгандир. "Бу янги жамиятда" тўртинчи ҳоким-ият" вакиллари ролининг сезилар-лик даражада ортганидан дарак беради", дея ўз шарҳини якуналади А. Фарук.

Миллий тақийотлар маркази профессори, Тошкентдаги Миср маданият марказининг собиқ директори М. Мусли Ўзбекистон

Республикаси Президентини Ислон Каримов ташаббуслари замон нуқ-таи назаридан ўта муҳим эканини қайд этди. Хусусан, у Ўзбекистон-даги хизмат фаолияти мобайнида кўп мартаба Ўзбекистон Президенти-нинг маърузаларида иштирок этиш шарафига муассар бўлгани-ни, мазкур маърузалар ўзининг мазмунини ва аниқ мақсадга йўнал-тирилган теран моҳияти билан ажралиб туришини, бу эса, Президи-дент Ислон Каримов маърузасининг дунё сиёсатчилари ва сиёсий экспертлар учун янада қизиқарли бўлишини алоҳида таъкидлади.

Шу муносабат билан М. Мусли Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлисидаги маърузаси Ўзбекистонда демокра-тий ривожлантириш тарихида ўзига хос туб бурилиш ясашига ишонч билдирди. Зеро, унинг фикрича, Ўзбекистон раҳбарининг мамлакат қонун ҳужжатлариға кириштиш борасидаги тақийлари ўз вақтида айтилган бўлиб, бугунги кун талабига тўлиқ жавоб беради.

Миср Араб Республикаси савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари, "Ўзбекистон — Миср" дўстлик жамияти аъзоси Х. Абдулхайининг таъкидлашича, Ўзбекистон бозор иқтисодиётиға босқичма-босқич ўтишда ўз йўлини таллаб олди ва бу йўлдан оғша-май, нурафшон манзил сари шаҳдам одимлаб бормоқда.

Х. Абдулхайиннинг мулоҳазасига қўра, салкам 20 йил мобайнида Ўзбекистон сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан муваффақиятларга эришти. Мамла-катининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида давлат ислохотларининг бош та-шаббуслари сифатида майдонга чиқди. Ўзбекистон раҳбарияти мамлакат-да давлат иқтисодий таракўётининг муҳим омили бўлган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорлик ҳамда фуқаролар ҳамжиҳатлигининг сақланишини таъминлашга эришти.

«Жаҳон» АА.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Дарҳақиқат, фуқаролик инсти-тутилари, нодавлат нотариат тақийлотлари ҳозирги кунда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг муҳим омилиға айланмоқда, фуқаро-ларнинг ўз салоҳиятларини

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

фуқаролик жамияти институтларининг бош мақсадидир

рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаолияти ва ҳуқуқий маданий ятини ошириш учун шароит яратмоқда. Зеро, айни пайтда республикамизда беш миңдан зиёд нодавлат нотариат тақийлотлари, 10 миңдан ортқ маҳалла фуқаролар йи-гинлари фаолият юритаётр.

Тадбирда, шунингдек, фу-қаролик жамияти институтла-рининг давлат ва ҳокимият ту-зилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назо-ратини амалга оширишдаги

роли тобора кўчаиб бораёт-гани таъкидланди. Зеро, бу-ғунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институ-ти жамиятнинг давлат билан ўзара самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг мам-лакатда кечяётган ўзгаришлар-ға муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бириға

айланмоқда. Шу боис давра суҳбатида сўзға чиққанлар фуқаролик жамиятининг ҳозирги босқичида ўзини ўзи бошқариш органла-ри билан давлат тузилмалари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, барча жаҳла-ларда инсон ҳуқуқлари бўйи-ча билим ва қўнималарни ривожлантириш, ўзаро ижтимоий ҳамкорликни қўчайтириш кераклигини таъкидлашти.

Қобил ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамаси ҳузурида-ги Дин ишлари бўйича қўмита, Фуқаролик жамиятинини ўрга-ниш институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Олий ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ан-жуманда турли вазирлик ва идоралар, жамоат тақийлотлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий-маданий марказ-лар, хорижий дипломатик корпус ва халқаро тақийлотлар вакиллари, ўқитувчилар, маҳалалар раислари, диний ма-слаҳатчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Республика Байналминал маданият маркази директори Н. Мурхамдиев, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Б. Ходиев, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А. Саидов, Фуқаролик жамиятинини ўрганиш институти директори ўринбосари А. Хамдамов, Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифасини бажарувчи О. Юсуфов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳ-намоллигида қўчи фуқаролик жамиятиға асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида юртимиздаги барча миллат-лар ва диний конфессиялар ўртасида ахиллик, бағрикенглик ва дўстлик муҳити қарор тоғганини таъкидлади.

Республика Байналминал маданият маркази томонидан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган маданий-маърифий лойиҳалар, дўстлик фестивал-лари, ижодий кўрик-танловлар, илмий-маърифий анжуман-лар, концерт ва кўргазмалар юртимиздаги турли миллат ёшларини эзгу гоялар асосида тарбиялашға, ёт ва зарарли мафкуравий тақийлотлардан ҳимоялашға хизмат қилмоқда.

Анжуманда миллатлараро тотулишининг ҳуқуқий асослари, фуқаролик жамиятининг шаклланишида нодавлат тақийлот-ларнинг ўрни, ёшларни диний бағрикенглик руҳида тарбия-лашнинг асосий омиллариға бағишланган маърузалар тингланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўрин-босари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзға чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамаси ҳузурида-ги Дин ишлари бўйича қўмита, Фуқаролик жамиятинини ўрга-ниш институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Олий ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ан-жуманда турли вазирлик ва идоралар, жамоат тақийлотлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий-маданий марказ-лар, хорижий дипломатик корпус ва халқаро тақийлотлар вакиллари, ўқитувчилар, маҳалалар раислари, диний ма-слаҳатчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Республика Байналминал маданият маркази директори Н. Мурхамдиев, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Б. Ходиев, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А. Саидов, Фуқаролик жамиятинини ўрганиш институти директори ўринбосари А. Хамдамов, Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифасини бажарувчи О. Юсуфов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳ-намоллигида қўчи фуқаролик жамиятиға асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида юртимиздаги барча миллат-лар ва диний конфессиялар ўртасида ахиллик, бағрикенглик ва дўстлик муҳити қарор тоғганини таъкидлади.

Республика Байналминал маданият маркази томонидан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган маданий-маърифий лойиҳалар, дўстлик фестивал-лари, ижодий кўрик-танловлар, илмий-маърифий анжуман-лар, концерт ва кўргазмалар юртимиздаги турли миллат ёшларини эзгу гоялар асосида тарбиялашға, ёт ва зарарли мафкуравий тақийлотлардан ҳимоялашға хизмат қилмоқда.

Анжуманда миллатлараро тотулишининг ҳуқуқий асослари, фуқаролик жамиятининг шаклланишида нодавлат тақийлот-ларнинг ўрни, ёшларни диний бағрикенглик руҳида тарбия-лашнинг асосий омиллариға бағишланган маърузалар тингланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўрин-босари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзға чиқди.

ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАР ДАРАЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги-нинг дори-воситалари ва тиб-бий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси ин-яниги лаборатория биноси фойдаланишға топширил-ди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда давлат ва жамоат тақийлотлари ва-киллари, олимлар, шифокор-лар, фармацевтика соҳаси му-тахассислари ҳамда омма-вий ахборот воситалари хо-димлари иштирок этди.

Соғлиқни сақлаш вазири А. Икромов мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамоллигида аҳолини сифатли дори воси-талари билан таъминлаш бо-расида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бе-раётганини алоҳида таъкид-лади. Бунда давлатимиз раҳ-барининг 2007 йил 19 сен-тебрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоқ қилишни яна-да чуқурлаштириш ва уни ри-вожлантириш Давлат дасту-рини амалга оширишнинг

сифатлари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси томонидан 5,5 миңдан ортқ дори восита-лари ва бир миңг 400 га яқин

тиббий буюм давлат рўйжа-тидан ўтказилиб, тиббиёт амалиётида қўллш учун рух-сат этилган. Шуларнинг миң-ға яқини мамлакатимиз кор-



Фармон ва ижро

хоналариди ишлаб чиқарила-ётган дори воситаларидир. Айни пайтда бошқарма та-сарруфидаги дори восита-лари ва тиббий техника сифа-

тини назорат қилиш ва стан-дартлаш лабораториясида фармацевтоқисолик ва микробиологик тақийлотлар, вакци-на, зардоб препаратлари, тиббий техника, буюмлар ва ускуналарнинг сифат назо-рати билан боғлиқ бўлишлар фаолият юритмоқда. Жаҳон стандартлари талаблари да-ражасида қурилган янги бино замонавий тиббиёт асбоб-ус-куналари билан жиҳозланган.

Мазкур лабораториянинг замонавий биноға эға бўли-ши фармацевтика ва тиббиёт махсулотлари сифатини тўла тақийлот ўтказиш, халқи-мизни сифатли дори восита-лари билан таъминлаш, тиб-биёт махсулотлари экспорти ҳажмини янада ошириш им-конини беради.

Гўзал САТТОРОВА, ўза мухбири.

СУРАТДА: синовчи муҳан-дис Баҳром Шиматов ва тех-ник синовчи Хўлола Тўраева.

Асқар КЎРБОВ олган сурат.

Мазлумоти, Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялли мажлисида "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Респуб-ликаси Меҳнат кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун маъқулланди. Мазкур ҳужжат пенсия таъминоти хусусидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, бюджет-дан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари шакллантирилишиға фуқароларнинг қўшган ҳиссаси ва пенсия миқдори боғлиқлигини қўчайтириш, Пенсия жамғармасининг даромад ва харажатлари мувозанатлигини таъминлашға қаратилгани билан аҳамиятлидир.

ҚОНУНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ЗАМОН ТАЛАБИ

Чунончи, Қонун меҳнат стажини ҳисобға олиш, имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини бериш, уларнинг тайинлишини, қайта ҳисобланиши ҳамда тўлиқлиги шартлари ва тарти-би масалалари бўйича пенсия қонун-чилигиға ўзгариш ва қўшимчалар ки-риштиш орқали фуқаролар пенсия таъ-минотининг амалдаги тизимини та-комиллаштиришни назарда тутди.

Маълумотларға қўра, ҳозирги вақтда мамлакатимизда ногиронлик бўйича пенсия олаётган III гуруҳ но-гиронларининг сони 112 миң 600 кишини ташкил этади. Вазирил Маҳкамасининг 2008 йил 8 август-даги "Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни тақий-лаштириш чора-тадбирлари тўғриси-да"ги қарорига мувофиқ, III гуруҳ но-гиронлиги организм функциясининг муътадил фаолияти бўзилганда, шу-нингдек, меҳнат лаёқати сезиларсиз даражада пасайганда тайинланади. Айни пайтда мазкур гуруҳ ногиро-нларининг меҳнат фаолияти билан шугулланиши учун қонунчиликда қўшимча чекловлар белгиланган. Оқибатда, аксарият ҳолларда, соғлиги арзиманган нуқсонға эға шахслар ҳам осонлик билан ноги-ронликни олмақда. Бу эса ногиро-нларнинг тўлақонли реабилитациядан манфаатдорлигини пасайтирмади. Бюджетдан ташқари Пенсия

жамғармасининг маълумотларига қўра, III гуруҳ ногиронларининг 13 миң нафари ёки 11,5 фоиз рас-ман ишламоқда ҳамда уларнинг ак-сарияти иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолият олиб боради. Ва-хонлики, Халқаро меҳнат ташкил-отининг 128-сонли Конвенциясиға му-вофиқ, ногиронлик бўйича нафақа шахсининг ҳақ тўланадиган фаолият билан белгиланган даражада шугу-ланишға қобилияти йўқ бўлган-да берилади. Бунда фуқаро даромад келтирадиган фаоли-ят билан шугулланаётган пайт-да ногиронлик бўйича нафақа тўла-ниши тўхтатиб турилиши мумкин. Хо-рижий давлатлар, хусусан, Австрия, Бельгия, Канада, Франция, Дания, Норвегия, Италия, Португалия қону-ндаги тақийлот шунч қўрсатдики, меҳнатға лаёқатлики сезиларли да-ражада пасайманган ҳолатларда асо-сий эътибор ногиронлар ҳуқуқлари-ни қонунчилик асосида мустаҳкам-лашға, уларнинг жамиятда тўлақон-ли реабилитация қилинишини рағ-батлантиришға қаратилган. Шу бил-дан бирға, умумий касалликлар на-тижасида ногиронлик бўйича пенсия-лар тўлиқлиги назарда тутилмайди. Давлат нафақаси эса меҳнат қоби-лияти 50-70 фоизға ва ундан кўпроқ-чанганда тўланади.

Сенатда маъқулланган

Дори-дармон, техник ва бошқа во-ситаларни (жумладан, протез-орто-педия буюмлари, курси-коляскалар, эшитиш мосламалари, ҳассалар) бери-ш, машини ва транспорт хизмат-ларини кўрсатиш бўйича қонунчилик-да белгиланган имтиёзлар сақлаб қолинатр.

Маълумки, мамлакатимиз пенсия қонунчилигида шунч стажини тўлиқ бўлмаганда, пенсия тайинлаш ҳуқуқини олиш учун керак бўлган иш стажининг энг кам муддатлари назарда тутилмаган.

Шахсий томоғқа ва деҳшон ҳўжа-ликлариди бандлиқнинг кенгайиши, уй меҳнати ва оливалй тадбиркор-ликнинг ривожланиши муносабати билан келгуши йилларда пенсия тайинлишини юзасидан мурожаат қиладиган, тўлиқ меҳнат стажига эға

бўлмаган фуқаролар сони кўпайи-ши мумкин. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг шакллантирилишиға фуқароларнинг қўшган ҳиссаси билан пенсия миқдорлари боғлиқлигини қўчайти-риш мақсадида "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғриси-да"ги Ўзбекистон Республикаси

Қонунига пенсия тайинлаш учун етарлилик иш стажига эға бўлмаган шахсларға ёшға доир пенсиялар ушбу Қонун 37-моддаси биринчи қисмининг "а", "б", "в" ва "г" банд-ларида назарда тутилган камиди беш йил иш стажини мавжуд бўлган тақийрда, бор стажға мутаносиб миқдорда тайинлишини белгилов-чи ўзгариш киритилмоқда. Тақийлотлар шунч қўрсатмоқдаки, хар илли янги тайинланаётган пенсияларнинг 40 фоиздан ор-тиги муддатидан олдин пенсия-ға чиқиш имтиёзига эға шах-сларға тўри келмоқда. Хусусан, қонун-чиликда қўшқол ҳўжалиги ходинла-рининг айрим тоифалари, трактор-чи-машиничи, курилиш, йўлсозлик ва юк ортиш-туштириш машиналарининг машинисти бўлиб фаолият юритган, тўқимачилик ишлаб чиқариш дастхо-вони ва машиналариди ишлаган, шу-нингдек, беш ва ундан ортқ фар-занд туққан аёлларға умумий белги-ланган ёшни 5 йилға қисқартирган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳўқуқи берилган. Мазкур имтиёзлар ўтган асрнинг 50-йилларида жорий қилин-

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан семинар ташкил этилди. Қуйи палата депутатлари, Вазирил Маҳкамаси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Адлия ва Иқтисоди-ёт вазирилари, тегишли идора ва тақийлотлар, илмий тақийлот институтлари, фермер ҳўжаликлари вакиллари қатнашган тадбирда чорвачилик соҳасини ривожланти-ришға доир қонун ҳужжатларини тақийлаштириш масаласи муҳокама этилди.

ЧОРВАЧИЛИК — БАРАКАЛИ СОҲА

Давр унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Тақийлангандек, мамла-катимизда чорвачилик соҳа-сида кенг қўламли ислохот-лар амалға оширилмоқда. Жумладан, ўтган даврда ҳўжалик юритиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг иқтисодий, тақийлий ва ҳўқуқий асослари тўдан янги-линиб, пировардида турли мулкчилик шаклидаги чорва-чилик ҳўжаликлари тузилди. Ҳозир уларнинг қишлоқ ҳўжа-лигидаги улushi тобора ошиб бормоқда. Бу борада мамла-катимиз Президентининг "Шахсий ёрдамчи, деҳшон ва фермер ҳўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағ-батлантиришни қўчайтириш ҳамда

Кейинги йилларда атмосферада "иссиқхона ҳодисаси" ҳосил қилувчи газлар кўпайиб бораётгани ҳақида бот-бот гапирилмоқда. Яъни Ер юзида ҳароратнинг кўпайиши ютилиши жараёни секинлашиб, иқлим йилдан-йилга сезилар-сезилмас даражада исиб бормоқда. Оқибатда, атроф-муҳит тозаллиги, табиат мусаффолиги ва саломатлик мавзуси жаҳон афкори оммасининг эътиборидаги энг долзарб муаммага айланиб бораётган. Биргина охириги ўн йилликни олиб қарайдиган бўлсак, бу даврда ҳаво ҳарорати йилига ўртача 0,4-0,6 даражага ошиб боргани қайд этилган.

ТАБИАТГА ОҚИЛОНА МУНОСАБАТ

атроф-муҳит мусаффолиги ва соғлом турмуш тарзидир

Бир қарашда, бу жудаём арзимас миқдор бўлиб кўринади. Аммо умумжаҳон миқёсида ана шу кичик улушнинг таъсирида абадий музликлар эриб, океанлар сатҳи 10-25 сантиметрга кўтарилган. Қуруқликдаги ҳудудларда эса қуруқчилик ва саҳролаштириш жараёни кўчган.

Статистика маълумотларига қараганда, ҳозир дунё бўйича 800 — 900 миллион донга атрофда турли рўсумдаги автомобил бўлиб ўрнатилган. 2020 йилга бўйicha рақамлар 1,8 — 2,5 миллиард донга етиши тахмин қилинмоқда. Ёнилги-мойлаш маҳсулотлари билан ҳаракатланадиган мазкур техника воситалари бизни ўраб турган атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғи учун жиддий ҳавф туғдирмоқда. Чунки битта автомобиль йилига ўртача 4 тонна кислотани захарлайди. Унинг тур-тун мўрисидан 800 килограмм углерод оксиди, 40 килограмм азот оксиди ва яна 200 килограмм микдорда бошқа турдаги зарар-

ли моддалар атроф-муҳитга тарқалади. Биргина АКШда 150 миллион дондан ортиқ автомобиль рўйхатга олинган бўлиб, машиналардан ҳаво захарланишининг дунё бўйича 40 фоизи шу мамлакат ҳиссасига тўғри келади. Бу мисолларни бежиз келтирмадик. Гап шундаки, автомобиллар мўрисидан чиқаётган буг газлари атмосферага иссиқликни сақлаган ҳолда тарқалмоқда ва сайёрамизда бузис ҳам жадаллашаётган ҳаво ҳароратининг иссиғи туртки бермоқда. Саноатнинг жадал ривожланиши ва транспорт воситаларининг кўпайиб бораётгани боис атмосферага чиқаётган қарбонат ангидрид гази миқдори ошмоқда. Масалан, энг экологик тоза маҳсулот ҳисобланган газнинг ёнилгани олиб кўрайлик. Мутахассисларнинг фикрича, бир килограмм табиий газ ёнилганидан 2,75 килограмм қарбонат ангидрид ва 2,25 килограмм сув буги ҳосил бўлади. Бир йилда дунёда ўртача 2,2 триллион куб табиий

газ ва 3,5 миллиард тонна нефть ёнади.

Ўсишги моддалар ёниши учун фоят катта миқдорда кислород сарф бўлишини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Чунончи, бир килограмм метан ёниши учун атмосферадан 4 килограмм микдорда кислород сарфланади. Жаҳон бўйича бу рақамлар йилига 11 миллиард тоннани ташкил этади.

қолиши ва тулроқ қатламнинг ювиллишига олиб келди.

Агар ҳаво ҳароратининг кўтариллиши сабабми муз тоғларининг эриши шу тарзда давом этадиган бўлса, 2100 йилда мазкур кўрсаткич бир метргача етиши тахмин қилинмоқда. Аини пайтда Антарктида ва Гренландиядаги музли ҳудудларнинг сарҳадлари қисқариб бораётгани ҳақида аниқ

маълумотлар бор. Масалан, бундан 125 минг йил ilgари кўтб музларининг эриши туфайли денгизлар сатҳи 4-6 метргача кўтариллиб кетган экан.


Масаланинг нақадар долзарблигини сўнги йилларда бу мавзуда ташкил этилаётган катта-катта анжуманлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, шу йилнинг май ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк шаҳридаги қароргоҳида Барқарор ривожланиш бўйича БМТ комиссиясининг 18-сессияси ўтказилди. Унда тоғ-кон саноатини, экологик соф транспортни ривожлантириш, кимёвий моддалардан фойдаланиш ҳамда чиқиндиларни бошқариш билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама этилди. Комиссия доирасида ХХI асрда транспорт билан боғлиқ муносабатларни яхшилаш борасида мунозара бўлиб ўтди. Жумладан, турли давлатлардан келган мутахассислар арзон, иқтисодий жиҳатдан тежамли, экологик

соф транспорт тизимларини яратиш йўллари муҳокама қилинди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида қўрқинимда атроф-муҳитнинг инсон саломатлигига салбий таъсирини камайтириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, биргина "Экология ва саломатлик" кўнрагини олиб қарайлик. Бу тадбирни ўтказишдан қўзғалган мақсад эса аҳолига яхши турмуш шароити яратиш ва атроф-муҳит мусаффолигига эришиш, санитария ва экологик маданиятни юксалтириш, мазкур хайрли омуш-

Мушоҳада

Хитой дунёда ўз саноати учун энг кўп тошқўмир ишлаётган мамлакатлардан бири саналади. Кўмирнинг ёнишида энг кўп кислород зарур бўлишини ҳисобга олсак, бу ерда атмосферага зарарли газлар чиқиш микдори бошқа мамлакатларга нисбатан анчагина кўлими маълум бўлади.

Охир-оқибат ХХI асрга қадам қўйишимиз билан Ер юзидagi океанлар ҳудудлари кенгайиши ва музликларнинг эриши натижасида денгизлар сатҳи 28-58 сантиметрга кўтарилди. Бу эса қирғоқ-бўйи ҳудудларининг сув остида



Аниқки, бу каби муаммоларни бир ёки бир нечта давлат миқёсида ҳал этиб бўлмайди. Зеро, Президентимизнинг "Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафоллари" асарида таъкидланганидек, "Экология хозирги замоннинг кенг миқёсдаги ижтимоий муаммолари билан бирдир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг хозирги кўни ва келажаги, кўп жиҳатдан, ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир".

Фозилддин АБИЛОВ.

Балиқчилик: ТАЖРИБА, ИЗЛАНИШ, НАТИЖА

Жомбой туманидаги "Мадина" фермер хўжалиги раҳбари Аслиддин Салоҳидинов — тажрибали деҳқонлардан бири. У ҳар йили тасарруфидagi 70 гектар ердан пахта ва галладан юқори ҳосил етиштириб, кўпчиликка ўрнак бўлиб келаяпти. Шу тўғрисида баъзиларнинг фикрлари ҳам охиб бормоқда.

Қарор ва ижро

— Ўйлаб кўрсам, фаолиятимизни янада кенгайтиришни имкониятлари кўп экан, — дейди Аслиддин Салоҳидинов. — Шулардан бири — балиқчилик. Шу ниятда Каттақўрғондаги вилот балиқчиликни ривожлантириш марказида бўлдим. Унинг мутахассислари тавсияси билан шу йил баҳорда 25 килограмм балиқ чавоғини олиб келиб, кўпайтира бошладим. Ҳозир уни сотишга киришдик.

Айтиш жоизки, бугунги кунда Самарқанд вилотида балиқчиликни ривожлантиришга интилаётган фермерлар анчагина. Вазирилар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги "Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этапти. Хусусан, Каттақўрғондаги "Наврўз" фермер хўжалиги негизида вилот балиқчиликни ривожлантириш марказининг иш бошлари шундай сай-ҳаракатлар самарасидир.

Марказ ташаббуси билан, шунингдек, ўнлаб фермерлар хоржик давлатларида бўлиб, дунё балиқчилик тажрибасини ўрганиб қайтдилар. Натижада вилотдаги 15 та балиқчилик хўжалиги марказга аъзо бўлиб кирди. Уларга ўтган йилнинг ўзига 65 минг донга бир йиллик балиқ ва 17,8 миллиондан ортиқ чавоқлар тарқатилди. Аини чоғда "Наврўз" фермер хўжалигининг ўзига қўшимча равишда 7 миллионга балиқ чавоғи ҳамда 30 минг донга бир йиллик балиқ етиштирилиб, бошқа мулкдорларга етказиб берилди.

— Тармоқни ривожлантиришда, аввало, замонавий технологияларга таяниш муҳим аҳамиятга эга, — дейди марказ раҳбари Абдурасул Мухаммадиев. — Масалан, бизнинг шароитимизда ҳозиргача бир гектарлик ҳавзаларда мавсум давомида 13 центнердан балиқ етиштирилган эди. Эндиликда илгор технологиялар туфайли бу кўрсаткични 100 центнерга етказяпмиз. Шундан келиб чиқиб, келгуси йилда 20 миллионга балиқ чавоғи ва 200 минг донга бир йиллик балиқ етиштиришни йўлжаллаб турибмиз.

Абдурасул САТТОРОВ, «Хаққ сўзи» муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасида Вазирилар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги "Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (таъкидлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Давлат қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда пойтахтимиздаги монопол корхоналар ҳамда табиий монопо-

лия субъектлари вакиллари иштирок этиди. Таъкидландики, ҳукумат қарорига мувофиқ, кейинги йилларда монопол кор-

Иқтисодий юксалишнинг муҳим бўғини

хоналар ва табиий монополия субъектлари фаолиятида бир қанча ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Жумладан, ушбу ҳужжатда монопол корхоналар ва табиий монополия субъектларининг маҳсулот, иш ва хизматлар нархларини таъкидлаш ҳисобга олинмайдиган харажатлар

руйхатини солиқ қонунчилигига уйғунлаштириш, давлат бошқаруви ва маъмурий ҳоқимият органлари нархларини тартибга солишчи органлар билан келишилган ҳолда, товарларнинг муайян турларига қатъий ёки чекланган тарифлар белгилаш, нархларни қайта кўриб чи-

қиш сингари вазифалар аниқ кўрсатилгани ўз самарасини берибди.

Шу билан бирга, қарорда хўжалик иритувчи субъектларда электр энергияси ресурслари ёки хом ашёни тежовчи замонавий технологиялар жорий этилган ҳолда, қўшимча йилда олиниши ноқонуний эмаслиги қайд этилганки, мута-

хассисларнинг фикрича, жаҳон амалиётида кенг қўлланадиган бу тажриба монопол корхоналар ва табиий монополия субъектларида нархларни тизимли тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда мутахассислар иштирокчиларни шундай янгиликлар билан таништириш баробарида, уларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб бердилар.

Дилшод УЛУҒМУРДОВ.

Пештоқида "Қашқадарё технологик транспорт" ОАЖга қарашли 4-автосарой, деб ёзиб кўйилган катта дарвозадан олдинга кетиш қийин келадиган автомашиналар белгиланган жойларга йўл олишмоқда. Ярим соат ичида олтмишдан зиёд турли рўсумдаги автотранспорт воситалари бу ердан жўнаб кетди.

порт" очик акциядорлик жамияти тизимидаги пешқадам корхоналардан бири. Ўтиборлиси бундай транспорт ташкилотлари вилотнинг турли ҳудудларида мавжудлиги юк ташуш ишларини тўлиқ қамраб олиш имконини

Тадбир

ҳаллий ҳоқимият органлари нархларини тартибга солишчи органлар билан келишилган ҳолда, товарларнинг муайян турларига қатъий ёки чекланган тарифлар белгилаш, нархларни қайта кўриб чи-

Транспорт инфратузилмаси

ларни бекаму кўст адо этишимиз зарурлигини чуқур ҳис қилиб, уларнинг ижросига масъулият билан ёндашяпмиз. Хар ойда кўзда тутилганидан ташқари 42 — 45 миллион сўмдан зиёд фойда оли-наётгани шундан далолат беради. Нафақат Қашқадарё вилотида, балки мамлакатимиз нефть-газ соҳасида яловбардорлардан саналган "Миноракүриш-экспедиция", "Қашқадарёпар-малашилари" ташкилотлари, Муборак газни қайта ишлаш заводи ва бошқа корхоналар билан тузилган шартномалар эса иш фаолиятимизнинг тобора кенгайишига имконият яратмоқда. Зеро, ҳамкоринг ишончли бўлса, юкинг ерда қолмайди.

Бу ютуқлар замирида, албатта, меҳнат унумдорлигини ошириш йўлидаги сай-ҳаракатлар, автотранспорт хайдовчилари, соловчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилганлиги, уларга ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги ва бошқа кўпдан-кўп омиллар муҳасам. Хусусан, жамиятда ўртача ойлик иш ҳақи 550 минг сўмни ташкил этаётганлиги жамоа аъзоларини янада фидокорона меҳнат қилишга руҳлантирмоқда.

Бундан ташқари, очик акциядорлик жамияти қошида кўп тармоқли ёрданчи хўжалик ташкил этилиб, паррандачилик, асаларчилик, балиқчилик, күвнччилик йўлга қўйилган, иссиқхона ишга туширилганлиги меҳнат аҳлини йил давомида ноз-неъматлар билан таъминлашда кўл келмоқда.

Файзулла ЭШҚУЛОВ.

ШЕРИГИНГ ИШОНЧЛИ БЎЛСА, ЮКИНГ ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

Албатта, машиналар ва уларнинг хайдовчилари автосаройдан чиқарилишидан аввал техник қаровдан ва табиий кўриқдан ўтказилиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Барча транспорт воситалари ишга кузатиб қўйилгандан кейингина автосарой бошлиғи Абдурашид Тошқулов билан суҳбатлашнинг мавриди келганлигини сезиб, уни мулоқотга чорладик.

— Хайдовчиларимизнинг аксарияти доимий ҳамкорларимиз — "Шўртангаз" ва "Ҳисоролдинефт-газ" корхоналарига хизмат кўрсатишади, — дея изоҳ берди у. — Бу корхоналар ва бошқа ташкилотлар билан шартномалар асосида иш олиб борамиз. Чори Раҳимов, Суннат Фозилов, Нурхон Туроев, Жаҳон Рўзиқулов каби моҳир хайдовчилар ҳар соҳада ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда. Улар нефть-газ конларини аниқлаш, қудуқларни пармалаш ва уларни ишга туширишда қўлланиладиган ускуналар, жиҳозлар, қурилмаларни, шунингдек, қурилиш материалларини ўз



вақтида, зарур миқдорда етказиб бермоқдалар. Транспорт воситаларининг доимо ишга шай ҳолатда бўлишини таъминлашда, айниқса, бош механик Воҳиджон Амриқулов етакчилигидаги соловчи-чилангарларнинг ҳиссаси катта бўлаётган.

Қарҳақикат, 4-автосарой — "Қашқадарё технологик транс-

бермоқда. Чунончи, автосарой-ларнинг Муборак, Косон, Ўрта-булак ва Қаршида жойлашганлиги ҳар бир ҳудудда ишни рисо-ладагидек бажаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Мамлакатимизда нефть ва газ қазиб олинишини кўпайтириш, мавжуд конларнинг имкониятини ошириш ва янгиларини ишга ту-

жиҳатдан боғлиқ, — дейди "Ўзгөбургнефтьгаз" акциядорлик компаниясига қарашли "Қашқадарё технологик транспорт" очик акциядорлик жамияти раиси Шодмон Қодиров. — Жамиятимиз транспорт хизмати кўрсатувчи ташкилотлар сирасига кирди. Тармоқда муваффақиятларга эришиш учун зиммамиздаги вазифа-

ларни бекаму кўст адо этишимиз зарурлигини чуқур ҳис қилиб, уларнинг ижросига масъулият билан ёндашяпмиз. Хар ойда кўзда тутилганидан ташқари 42 — 45 миллион сўмдан зиёд фойда оли-наётгани шундан далолат беради. Нафақат Қашқадарё вилотида, балки мамлакатимиз нефть-газ соҳасида яловбардорлардан саналган "Миноракүриш-экспедиция", "Қашқадарёпар-малашилари" ташкилотлари, Муборак газни қайта ишлаш заводи ва бошқа корхоналар билан тузилган шартномалар эса иш фаолиятимизнинг тобора кенгайишига имконият яратмоқда. Зеро, ҳамкоринг ишончли бўлса, юкинг ерда қолмайди.

Бу ютуқлар замирида, албатта, меҳнат унумдорлигини ошириш йўлидаги сай-ҳаракатлар, автотранспорт хайдовчилари, соловчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилганлиги, уларга ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги ва бошқа кўпдан-кўп омиллар муҳасам. Хусусан, жамиятда ўртача ойлик иш ҳақи 550 минг сўмни ташкил этаётганлиги жамоа аъзоларини янада фидокорона меҳнат қилишга руҳлантирмоқда.

Бундан ташқари, очик акциядорлик жамияти қошида кўп тармоқли ёрданчи хўжалик ташкил этилиб, паррандачилик, асаларчилик, балиқчилик, күвнччилик йўлга қўйилган, иссиқхона ишга туширилганлиги меҳнат аҳлини йил давомида ноз-неъматлар билан таъминлашда кўл келмоқда.

Файзулла ЭШҚУЛОВ.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖнинг Андижон вилоти филиали

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Андижон шаҳар СИБ томонидан такроран 2009 йил 14 декабрдаги 17-0902-10547-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, Ербоши кўчаси, 1-уйда жойлашган «Мустақиллик» ОАЖнинг маъмурий бино, айван ва омборхона бинаolari, қурилиш майдони — 2425,46 кв.м., фойдала майдони — 4294,05 кв.м. бўлган мулкый мажмуа сифатида кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 28 декабрь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлини вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидagi талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосиг а бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидagi талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилгандиган закатат келишувиға асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закатат пулини хар бир мулк учун алоҳида тартибда, ўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Андижон вилоти филиали «Асак» банки вилот бўлимидаги қўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000200571452003, МФО: 00069, ОТИН: 200933850.

Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 30-уй.

Телефон: (8-374) 224-48-53.

Лицензия: DB 001 № 000004

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ

ИП ООО «РАКНТАКАВЕР ЗАВОД»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ

кабельно-проводниковую продукцию

- Кабели силовые с пластмассовой изоляцией марки АВВГ, ВВГ
- Самонесущие провода СИП-2А
- Провода бытового назначения АПУНП, ПУНП, АППВН, АПУН
- Провода установочные АПВ, АПТВ
- Провода неизолированные из алюминия марки А
- Провода неизолированные со стальным сердечником марки АС

Специальные предложения по неизолированным проводам марок А и АС от 1,6 мм² до 600 мм².

Адрес: 100057, г. Ташкент, ул. Уста Ширин, 136. Тел./факс: (+998 71) 228-07-76, 248-48-51. Телефоны: (+998 97) 485-65-23, (+998 98) 304-00-94.

24 соат ичида

ЖАҲОН

Хитойнинг "Shanghai Greenland" компанияси Ухань шаҳрида баландлиги бўйича дунёда учинчи ўринда турадиган бино барпо этилишини билдирди.

Осмонлар бино қурилади

Иншоотнинг баландлиги 606 метрни ташкил этади. Уч миллион квадрат метр худудни қамраб олувчи мазкур мажмуа таркибида меҳмонхона, офислар ва анжуманлар марказлари жой олади. Уни бунёд этишга 4,5 миллиард АКШ доллар микдорида маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Қурилиш ишлари беш йил ичида тугалланиши режалаштирилган.

Ҳозир дунёдаги энг баланд бино Бирлашган Араб Амирликларидаги "Бурж Халифа" (828 метр) ҳисобланади.

Нобель мукофоти топширилди

Кеча Швеция ва Норвегияда Нобель мукофотининг жорий йилги совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Айтиб ўтиш жоизки, айнан шу кун мукофот асосчиси Альфред Нобель хаятдан кўз юмганди. Стокгольм шаҳрида ташкил этилган тадбирда мамлакат Қирол Карл XVI ҳам қатнашди. У голибларга фахрий дипломлар, олтин медаллар ҳамда Альфред Нобель портретларини топширди. Шунингдек, совриндорлар 10 миллион Швеция кронаси (1,46 миллион АКШ доллари) микдорида пул билан ҳам тақдирландилар.

Шундай қилиб, Нобель мукофотини топширишга бағишланган маросим 109 марта бўлиб ўтди.

Энг қиммат шаҳар

"ECA International" компаниясининг маълум қилишича, Токио 2010 йилнинг энг қиммат шаҳри, деб топилган.

Ўтган йили кўнчиқар юрт пойтахти бу бордаги рейтингда учинчи погонани банд этганди. Иккинчи ва учинчи ўринлардан Луанда (Ангола) ва Нагоя (Япония) жой олди. Рўйхатдаги ҳудудлар орасида Европадан Осло (6, Норвегия), Цюрих (7, Швейцария) ва Женева (8, Швейцария), Жанубий Америкадан эса Каракас (16, Венесуэла) ҳам бор.

Маълумот сифатида келтириб ўтамиз, бу борадаги етакчини аниқлашда мегаполислардаги озиқ-овқат ва кийим-кечак маҳсулотлари, техника воситалари ҳамда ёнилги баҳоси инобатга олинади.

Акциялари аукционда

АКШ молия вазирилик "Citigroup" банкининг 2,4 миллион донга акцияси сотилишини маълум қилди.

Вазирилик қимматли қоғозларнинг бир донасига 3,45 АКШ долларидан нарх белгилаган ва уларнинг савдосидан 10,5 миллиард АКШ доллари микдорида маблағ келишига умид қилмоқда.

Мамлакатдаги энг йирик кредит ташкилоти ҳисобланган "Citigroup" жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни даврида катта талафот кўрди. Унинг фаолиятини жонлантириш мақсадида 2008 — 2009 йилларда 45 миллиард АКШ доллари микдорида ажратилган молиявий кўмак ҳам қўйилган самарани бермади.

Ноқулай об-ҳаво сабаб

Мексиканинг Веракрус штатида ҳуқуқ-тартиб идораларига қарашли вертолёт ҳалокатга учради.

Бунга ўша пайтда кузатишган кучли шамол сабаб бўлган. Оқибатда унинг бортидаги тўрт нафар одам ҳаятдан кўз юмган, беш киши эса тан жароҳати олган. "CNN" телеканали хабарига қўра, фожиа юз берган вақтда вертолётда жами ўн бир киши бўлган. Улардан икки нафарининг тақдирини номаълум.

Хорж матбуоти хабарларини асосида тайёрланди.

Мамлакатимизда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, буюқ аждоқларимиздан мерос маънавий бойликлари ўрганиши ва бойитиши, муқаддас қадамжоларни ободонлаштириш ишларига жуда катта эътибор қаратилапти. Зеро, буюқ аждоқларимизнинг бой мероси ёшларни ҳар томонлама соғлом вояга етказишда кўл келади. БевоСИТА Ўртбосни ташаббуси ва раҳнамоллигида истиқлол йилларида обод манзилга айлантирилган ана шундай табарруқ масканлардан бири Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасидир.

ОБОД МАНЗИЛЛАР ШУКУҲИ

— Мустақиллик шарофати билан бу зиёратгоҳ обод, ораста масканга айланди, — дейди зиёратчилардан бири, меҳнат фахрийси Мавжуда Шарипова. — Бу манзилнинг бундан йигирма-йигирма беш йил олдинги қиёфаси билан ҳозиргиси ўртасида ер билан осмон қадар фарқ бор. Уша даврларда бу гулу гулзорлар, зиёратчилар учун яратилган қулайликлар қайда эди, дейсиз. Масжиду айвонлар қаровсизликдан афтода ҳолатда эди. Нохуш манзараларни кўриб, кўнглимиз чўкиб кетганини яхши эслаймиз...

жойлари ташкил этилади. Турли дарахт кўчатлари ўтказилиб, гулзорлар яратилади. Ҳавони мўтадил сақлашга хизмат қиладиган ҳовуз барпо қилинади. Замонавий сугориш тизими кўмагида ён-атроф ям-яшил масканга айлантирилади. Бундан ташқари, маж-

шундаки, мутахассисларимиз томонидан Бойе Миёна дарвозаси Пойебори қолдиқлари аниқланди. Бу ҳудудда илгари амир Дониёрнинг гумбази мақбараси, етим-есирлар уйи, мадраса бўлган. Шу иншоотларни асл ҳолича қайта тиклаш мақсадида тегишли

ётқизилган тошлар ўн сантиметр қалинликдаги плиталар билан алмаштириляпти. Тарихий ёдгорликларни ёнгингарчилик таъсирида юзага келадиган намликдан муҳофаза қилиш мақсадида сув ташловлар қурилди. Бунёдкорлар мажмуа айвонлари ёнаб мармар тошларни ўрнатаётиб, ёпиқ ариқ усулени кўллашяпти.

— Бу каби ободончилик ишларининг қамрови йил сайин кенгайиб бораётгани барчамизни қувонтиради, — дейди зиёратчилардан бири Шўҳратжон Ғаниев. — Биз Ҳазрат Мир Кулол қадамжосидаги озодлик ва покизалиқдан, Хожа Исмаил Бухорий зиё-



Бунёдкорлик

Муқаддас қадамжоларнинг ҳар бири ўзига хос. Буюқ боёқалонимиз Баҳоуддин Нақшбанд манғу кўним топган масканнинг бугунги улғувор қиёфасига боқиб, кўнглида шукроналик ҳиссини туюсиз. Зеро, бу мажмуада ободончилик юмушлари, бир кун бўлса-да, тингани йўқ. Яқинда янада кенг қўламли бунёдкорлик, яратувчанлик ишларига кўл урилди. Мажмуанинг кунчиқар томонидаги Орифлар боғи қайтадан барпо этиладиган бўлди. Лойиҳага мувофиқ, саҳни беш гектар майдонни эгаллайдиган боғда зиёратчилар учун дам олиш

муада 200 ўринли мажлис залли, ахборот-ресурс марказини ўз ичига олган бино ҳам қад ростилади. Келгуси йилда қурилиши мўлжалланаётган бу бинодо умуминсоний қадриятларга оид китоблар жамланади, марказ замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланади.

— Мажмуанинг кунботар томонида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилади, — дейди "Қурилиш лойиҳа" институти бош архитектори Маҳмуд Аҳмедов. — Гап

лоийҳалаш ишларини олиб бораёпмиз. Дарвоқе, Маҳмуд ака бошчилигида бир гуруҳ мейморлар қадимий ёдгорликларни реставрация қилиш лойиҳаларини яратишда бой тажриба тўплашган. Яқинда улар 2009 — 2010 йилларда яратилган энг яхши мейморчилик асарлари республика кўрик-танловидида Муборак шайхиди Хожа Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий мейморий мажмуаси ҳамда Бухорода XVI асрда барпо этилган Самарқанд ва Шайх

ратгоҳидаги ажиб бир сокинликдан, Чорбақрадаги маҳобатдан, Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасидаги улғуворликдан баҳра олди. Рухан тетиклашди. Яратилган юртимизга, халқимизга, фарзандларимизга тинчлик-омонлик, файзу барака тилади. Озод ва обод мамлакатимиздаги эзгулик, поклик, инсоний туйғуларни ёдга солиб турувчи манзиллар шукҳи қалбларимизни ҳеч қачон тарк этмасин!

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Яхши хабар

Шаҳар марказида кўркам мажмуа

Наманган шаҳридаги Давлатобод даҳасида уч гектар майдонни эгаллаган "Яшил дехқон бозори" мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Айни пайтда бу ерда замонавий услубда қурилган мева-сабзавот, сут, гўшт павильонлари, 74 та дўкон, ошона ҳамда нон маҳсулотлари расталари ишлаб турибди. Ушбу йирик савдо мажмуасини бунёд этиш учун 8 миллиард сўмдан ортқ маблағ сарфланди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Танлов

Иқтидор кўриги

Андижонда Зуфур номидаги Давлат мукофоти учун ўтказилган танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни кўлга киритган 150 нафардан зиёд истеъдодли қиз адабиёт, таълим, маданият, спорт ҳақда санъат йўналишлари бўйича ўз маҳорат ва иқтидорини синовдан ўтказди.

Яқинда барча йўналишлар бўйича 5 нафар номзод ғолиб, деб топилди, танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди.

О. ШОДНОАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Юртимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ асрлар давомида шаклланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий цирк санъати аъёнларини сақлаб қолиш, ушбу йўналишини умумбаشارий қадриятлар билан янада бойитиш ва соҳада меҳнат қилаётган ҳодимларни муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинапти.

МАНЕЖДАГИ МЎЪЖИЗАЛАР

Бинобарин, "Ўзбекдавлат-цирк" республика бирлашмаси ташаббуси билан цирк ижрочиларининг малака ва маҳоратини ошириш, янгидан-янгидан дастурлар устида иш олиб бориш, ижодий ва мусиқий беказ ишларни янада тақомиллаштириш, ёввойи ҳақда экзотик ҳайвонларни ўргатиш, циркни замонавий дизайндоги сахна либослари билан таъминлаш юзасидан қатор ижобий кўрсаткичларга эришилди.

Шундан сўнг 1996 йилда Москва шаҳрида бўлиб ўтган 40 дан зиёд мамлакатлар цирк жамоалари ўртасидаги халқаро танловда Э. Арзуманов раҳбарлигидаги акробатлар бронза медалини кўлга киритдилар. 2001 йилда эса

кенёеовлар сулоласи юртимиз цирк санъатида чавандозлик ҳамда дорбозликнинг ўзига хос миллий мактабини яратди. Ушбу сулола вақиллари ижодида бадий оксақлик, ранг-баранглик ва нобъ топилмаларни кўриш мумкин. Шунини мамнуният билан айтаётган истардикки, 2006 йилда "Ўзбек дорбозлари" гуруҳи катнашчиси Бекзод Тўшкенбоев Корея Республикасида уюштирилган Бунтунжахон дорбозлар чемпио-натида дарё устига қурилган дорда бир чақирим масофани 13 дақиқа ичида югуриб ўтди ва дунёнинг энг кучли дорбозлари бешлигидан жой олди. Ўзбекистон халқ артисти Ҳасим Зарипов раҳбарлигидаги "Ўзбекистон амазонкалари" ансамблининг 3 нафар маҳоратли чавандоз қизлари эса 2008 йилда Хитойдаги халқаро цирк фестивалида бир вақтнинг ичида қаҳқонлик билан, югуриб кетаётган от устига сакраш машини бажариб, аввал ҳеч ким ижро этмаган 3 кишилик композицияни намойиш этишди.

Цирк

Хитойда ўтказилган "Комик артистларнинг халқаро фестивали"да Шўҳрат Абдуҷабборов, Ориф Султонов, Раҳмон Сурунов миллий махсарабозлик миниатюраларини ижро этиб, иккинчи ўринга с а з о в о р бўлишди.

Яқинда Рига шаҳрида бўлиб ўтган "Цирк юлдузлари — 2010" халқаро танловидида Комила ва Рустам Ҳамметовлар жуфтлиги ҳам катта ютуқни кўлга киритди.

Ушбу жуфтлик ҳаво гимнастикаси жанрида "Шарқона дует" номли янги дастурни ижро этди. Ва ҳар икки санъаткорнинг мураккаб шарқона машқларни бажаришдаги энгил парвози, эпчиллиги, доворақлиги 150 дан зиёд мамлакатдан келган цирк артистларининг таҳсинига сазовор бўлди. Ҳамюртларимиз мазкур нуфузли беллашувда олтин медални кўлга киритиб, Ўзбекистонимиз фахрига айландилар.

Миллий цирк санъатимиз ҳуқуқиди сўз кетганида, уни чавандозлик ва дорбозлик уйинларисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Чунки бу уйинлар халқимизнинг қадимий аъёна ва урф-одатларини ўзида акс эттирганлиги билан эътиборга моликдир. Қувонарлиси, Зарипов ва Тош-

Ушбу жуфтлик ҳаво гимнастикаси жанрида "Шарқона дует" номли янги дастурни ижро этди. Ва ҳар икки санъаткорнинг мураккаб шарқона машқларни бажаришдаги энгил парвози, эпчиллиги, доворақлиги 150 дан зиёд мамлакатдан келган цирк артистларининг таҳсинига сазовор бўлди. Ҳамюртларимиз мазкур нуфузли беллашувда олтин медални кўлга киритиб, Ўзбекистонимиз фахрига айландилар.

Миллий цирк санъатимиз ҳуқуқиди сўз кетганида, уни чавандозлик ва дорбозлик уйинларисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Чунки бу уйинлар халқимизнинг қадимий аъёна ва урф-одатларини ўзида акс эттирганлиги билан эътиборга моликдир. Қувонарлиси, Зарипов ва Тош-

Баҳром МАЖИДОВ,
Ўзбек давлат циркни бош директори.

Хушхабар Юртимиз спортига халқаро эътироф

Таиланд пойтахти Бангкоқда ёшлар ва катталар ўртасида муайтай бўйича ўтказилган жаҳон чемпио-натида муваффақиятли ишти-роқ этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари юртимиз-га қайтиб келишди.

Таъкидлаш лозимки, дунёнинг 86 мамлакатидан 1,5 минг нафар спортчи иштирок этган нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз ўн битта медални кўлга киритишди.

91 килограммгача бўлган тай-бокшчилар орасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Юсуф Иброҳимов финалда латвиялик рақибини иккинчи раундаёқ ноқаут ҳолатига тушириб, жаҳон чемпиони, деган шарафни нобъ сазовор бўлди. 48 килограмм вази тоифасида катнашган Анвар Холжўаев ҳам олтин медал билан тақдирланди.

Ғулом Ҳалимов, Лочин Миромимов, Жобир Тошпўлатов, Илҳом Раулов кумуш, яна беш нафар спортчимиз бронза медаллари соҳиби бўлишди.

Мусобақа доирасида Халқаро хаваскор муайтайчилар ассоциациясининг (IFMA) Бош ассамблеяси ўтказилди. Унда 2011 йили жаҳон чемпио-натида медал билан қилинди. Тадбир иштирокчилари ўн олтин номзод ичиндан жаҳон чемпио-натида Ўзбекистонда ўтказиш тақдирини бир овоздан маъқуладилар.

Айтиш жоизки, сўнгги ўн йилдан бун муайтай бўйича жаҳон биринчилиги ушбу спорт тури ватани Таиландда ташкил этиб келинади. Навбатдаги мусобақа медалонлиги мамлакатимизга ишониб топширилиши, ўз навбатида, юртимиз спортига берилган юксак баҳоидир.

З. ЖОНИЕКОВ.

Спортга болалиқдан меҳр қўйган авлоднинг фикри ҳам, ёруғ келажакка ишончи ҳам соғлом бўлади. Айни пайтда мамлакатимизда ҳар бир спорт тури жадал ривожланиб бормоқда. Шу жумладан, фигурали учуш спортини оммалаштириш борасида ҳам сезиларли натижаларга эришилмоқда.

ФИГУРАЛИ УЧИШ ЖОЗИБАСИ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган, республикаимизда ягона ҳисобланган муҳташам "Ice rink" муз уйинлари спорт саройи бунинг ёрқин мисолидир. Фаолияти бошланганига кўп вақт бўлмаган эса-да, бу ерда Ватанимиз доврўғини дунёга танитишга интилаётган спортчи ёшлар сонни тобора ортиб бораётир.

— "Ice rink" мажмуаси 2007 йил ноябрь ойида очилганди, — дейди фигурали учуш клуби раҳбари Дмитрий Ким. — Сарой 600 квадрат метр майдонни эгаллаган бўлиб, суний муз билан қопланган. Шунинг учун бу ерда йилнинг тўрт фаслида ҳам бемалол шугулланиш имконияти мавжуд.

Машгулотларга 4 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар мактаб ёки коллеждан ажралмаган ҳолда катнашиб келишди. Клубга спорт соҳасининг

моҳир усталаридан Екатеринбургта Малиновская, Нигора Асланова, Элдита Авдиянцева ва Ирина Сазонова сингари устоз-мураббийлар жалб этилган. Улар белгиланган жадвал асосида ёш спортчиларга фигурали учуш сирасорларини ўргатишмоқда.

Интилиш

— Клубимиз фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири, бу ёшлар орасидан иқтидорлиларини саралаб олиб, улар маҳоратини оширишдир, — дея таъкидлайди мураббий Нигора Асланова. — Ҳозирда 150 нафардан ортқ ёшлар машгулотларда катнашишмоқда. Уларнинг бу спорт турига қизиқиши ортиб бориши туфайли кундан-кунга клуб аъзолари сонини ҳам кўпайтишмоқда. Ўтган қисқа фаолиятимиз тибайёргарлик жараёнлари дастлабки мевасини берди. Шу йил 22 — 24

номаён этдилар. Бу истеъдодли спортчиларимиз Қозғостоннинг Алматы шаҳрида ўтказилган яна бир нуфузли мусобақада муваффақиятли иштирок этиб қайтишди.

Таъкидлаш жоиз, бундай ютуқлар кишики спорт уйинларига бўлган қизиқишнинг янада ошишига туртки бўлди. Натжидада мамлакатимиз микёсида табиий муз саройлари ва спорт мажмуаларини қуриш юзасидан тегишли муассасалар билан ҳамкорлик олиб боришмоқда.

— Икки йилдан бунён "Ice rink" мажмуасига қатнаймав, — дейди Зарина Норматова. — Бу ерда машгулотлар жуда қизиқарли олиб борилади. Таиландда ташкил этилган мусобақа мен учун илк халқаро турнир бўлди. Бронза медалини кўлга киритдим. Бу ютуқларимнинг бошланиши, ҳолоқ. Ўз устимда қаттиқроқ ишлаб, келгусида бундан-да юқори марралани эгаллашни, Ватанимиз байроғини баланд кўтаришни мақсад қилганман.

Спорт мажмуасида бўлиб, машгулотларда иштирок этаётган ёшлар билан суҳбатлашганимизда, уларнинг ҳар биридан ана шундай эзгу тилакларни эшитдик. Умид қиламизки, Ўзбекистонимизнинг халқаро спорт майдонидидаги муваффақиятлари каторида келажакда фигурали учуш спортчи усталари номи ҳам алоҳида тилга олинади.

СОҲИБА СОЛИЕВА.

ОБ-ҲАВО (11 декабрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгингарчилик бўлмайди. Кечаси 1 даража сувиқ билан 4 даража илик, кундузи эса 10-15 даража илик бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёнгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 0-5 даража илик, кундузи эса 10-15 даража иссик бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жижза ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 0-5 даража илик, кундузи эса 13-18 даража иссик бўлади.

Кашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёнгингарчилик бўлмайди. Кечаси 0-5 даража илик, кундузи 15-20 даража иссик бўлади.

Ташкент шаҳри. Ёнгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 0-2 даража, кундузи эса 13-15 даража илик бўлади.

«Узидромет» маълумотлари оосида таёйёрланди.

Qishloq Qurilish Bank

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»

Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, М.Қосимов кўчаси, 139-уй манзилида жойлашган «SILK MANUFACTURE» МЧЖ шўъба ишлаб чиқариш корхонаси мулкчи ва ушбу корхонага киритилган инвестицияларини баҳолаш учун аудиторлик ва мустақил баҳоловчи компаниялар ўртасида танлов эълон қилади.

Танлов иштирокчилари ўз тиҷорат таклифларини қуйидаги манзилга ёпиқ конвертда топшириши шарт.

Танловда қатнашиш учун таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй.

Телефонлар: (+998-71) 233-90-43, 236-14-17.

“Туркистон-пресс” ахборот агентлиги жамоаси агентлик республика ахборот таҳририяти шэрхўвичиси **Сурайё МЕЛИҚУЛОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

“Мадал” сугурта агентлиги жамоаси котиб-референт **Натили Усмонова** турмуш ўртоғи **Қаҳрамон УСМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 137,0 ▲ +4,7	ЦЕМЕНТ (пц400 к220) 123,4 ▲ +1,1	АРМАТУРА 2211,6 ▲ +8,8	ШИФЕР (1 лист) 12844 ▼ -623,0	АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1	Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.
---------------------------------	----------------------------------	------------------------	-------------------------------	-------------------------------------	---

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 37513 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғостон бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тажрибтга келган кўлемлар тахриз қилинмайди ва муаллафга қайтарибмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавабгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғева ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[1]-Тиҷорат материалли

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпнов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жониеков.
Мусаҳҳах — С. Исомов.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲА яқини — 05.50 Топширилди — 06.30 1 2 3 4 5